



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 28 » mart

№ 191

Toshkent sh.

### Аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий кўллаб-куватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 февралдаги ПФ-22-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуидагилар:

**Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

**Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича республика штаби таркиби ва худудий штабларнинг намунавий таркиби 2-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

**а) аҳоли томорқаларининг ер майдонларини хатловдан ўтказиш ва уларда этиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисобини юритиш йўналишида:**

**бир ой мuddатда “Online mahalla” электрон платформасида деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқасидаги мавжуд ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ахборот тизимларидағи маълумотлар асосида онлайн режимда шакллантирсин;**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ҳамда Бош прокуратура билан биргаликда **2025 йил 1 июнга қадар** аҳоли томорқаларининг ер майдонлари тўлиқ хатловдан ўтказилишини якунлаб, уларнинг алоҳида ҳисоби юритилишини йўлга кўйсин;

**икки ой муддатда аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисобини юритиш учун “Online mahalla” платформасида маълумотлар базаси яратилишини ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари томонидан тизимли равищда маълумотларнинг янгилаб борилишини ва мониторинги юритилишини таъминласин;**

**б) маҳаллаларнинг муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослашувини чуқурлаштириш йўналишида:**

томорқа ер эгалари ва дехқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кенгаш (кейинги ўринларда – Кенгаш), тижорат банклари ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлеклари билан биргаликда **икки ой муддатда** маҳаллаларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турига ихтисослаштириш ҳисобидан **дастлабки босқичда 100 та намунали маҳалла**, келгусида уларнинг сонини **500 тага** етказиши **бўйича** режа-графикни тасдиқласин;

намунали маҳаллалар жойлашадиган туман (шаҳар)лардаги аҳоли томорқалари ва ижарага берилган ер майдонларининг **75 фоизини** босқичмабосқич бир хил турдаги юқори даромадли маҳсулотлар етиштириш учун қамраб олсин;

**в) маҳаллаларда ҳар бир аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш йўналишида:**

**2025 йил 10 апрелга қадар** худудий ва туман штаблари билан биргаликда маҳаллаларга тажрибали агроном ва етакчи тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, экиладиган экин турлари ва маҳсулотларни етиштириш режа графигини тасдиқласин;

тижорат банклари ва етакчи тадбиркорлар ёрдамида маҳсулотларни етиштириш, сақлаш, саралаш, қадоқлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ мақсадларга молиявий кўмаклашсин;

**2025 йил 20 апрелга қадар** аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларида етакчи тадбиркорлар ёрдамида юқори даромадли, сифатли уруғ ва кўчатларни тизимли етказиб бериш, экиш ва ҳар бир томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этсин;

**2025 йил 1 майга қадар** ҳалқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотларининг грантлар ва кредитлари ҳисобидан маҳаллаларда амалга ошириладиган “яшил” ва ресурс тежамкор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

етакчи тадбиркорлар, агрономлар, хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, **бир ҳафта муддатда** томорқа эгаларини йил давомида ўқитиш режа графигини тасдиқласин ва жойларда ўқитишни ташкил этсин;

**г) сув таъминоти оғир бўлган маҳаллаларда суғориш тармоқларини яхшилаш орқали томорқаларда бир хил турдаги маҳсулот етиштиришни таъминлаш йўналишида:**

874 та маҳаллада суғориш тармоқларини яхшилаш орқали ушбу маҳаллалар ихтисослашуви даражасини чукурлаштириш бўйича амалий чоратадбирларни амалга оширсин ҳамда аҳоли томорқаларида ихтисослашув асосида маҳсулот етиштиришни ташкил этсин.

Бунда, маҳаллаларга бириктирилган республика даражасидаги раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари **ҳар ойда қамида бир марта** бириктирилган маҳаллага чиқсан ҳолда, белгиланган вазифаларни ижро этишда келиб чиқадиган муаммоларни тезкор бартараф этиш чораларини кўриб борсин;

**д) аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларида етиштирилган маҳсулотларни сотишга қўмаклашиш йўналишида:**

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ташки бозорларни доимий ўрганиб бориш асосида талаб юқори бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича тавсияларни ишлаб чиқсин ҳамда **ҳар ойнинг 10-санасига қадар** маълумотларни “*Online mahalla*” платформасига жойлаштириб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташки бозорларга олиб чиқиш учун карантин рухсатномалари ва фитосанитар сертификатларини расмийлаштиришга доимий кўмаклашиб бориш тизимини жорий этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Марказий банк ҳамда тижорат банклари билан биргаликда **“бир контур – бир маҳсулот”** тамойили асосида:

енгил конструкцияли иссиқхона, интенсив боғ, токзор, анорзор, гулчилик ва кўчатчилик плантацияларини яратиш ҳамда резавор мева етиштириш бўйича намунавий лойиҳалар доирасида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, ҳар бир гектар ер майдонидан қамида **100 млн сўм** даромад олиш;

аҳолига босқичма-босқич ижарага берилган жами **150 минг гектар** ер майдонларида бир хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига “Оилавий тадбиркорлик дастурлари” доирасида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 11 мартдаги 130-сон қарорига асосан ажратиладиган кредитларни устувор равишда ижара асосида ажратилган ер майдонларида **“бир контур – бир маҳсулот”** тамойили асосида ташкил этиладиган енгил конструкцияли иссиқхона, интенсив боғ, токзор, анорзор, гулчилик ва кўчатчилик плантациялари ҳамда резавор мева етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 28 ” мартағи 191-сон қарорига  
1-илова

**Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан  
самарали фойдаланишни ташкил этиш тартиби түғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**“маҳалла еттилиги”** – маҳалла фуқаролари йигини раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспекторидан иборат жамоа.

**республика штаби** – Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири бошчилигидаги аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш бўйича штаб;

**туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари бошчилигидаги ишчи гурухлар** – туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва қўкаламзорлаштириш масалалари ҳамда ёшлар бўйича ўринбосарлари бошчилигига аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишчи гурухлар;

**туман (шаҳар) штаблари** – туманлар (шаҳарлар) ҳокими бошчилигидаги аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича штаблар;

**худудий штаблар** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари – иктисодиёт ва молия боз бошқармалари бошликлари бошчилигидаги аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш бўйича штаблар;

**2-боб. Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган  
ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш тартиби**

3. Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил қилишга кўмаклашиш мақсадида туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг бошчилик қиладиган, ҳар бир туман (шаҳарда) ушбу Низомга 1-4-иловаларга мувофиқ намунавий таркибда ишчи гурухлар ташкил этилади ҳамда уларга маҳаллалар тақсимлаб берилади.

4. Маҳаллаларда аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларида экиш ишлари “маҳалла еттилиги” ва “маҳалла банкир”лари томонидан ташкил этилади.

5. “Маҳалла еттилиги” ва “маҳалла банкирлари”:

экин ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган маблағларга талабни аниқлайди ва молиялаштириш ишларини ташкил этади;

худуднинг иқлим шароити ва аҳолининг дехқончилик кўнималаридан келиб чиқиб, йилига **2-3 марта** ҳосил олиш имконини берадиган юқори даромадли экин турларини аниқлайди;

аниқланган экин турларидан келиб чиқиб, юқори даромадли экин турларини ер майдонларида экиш бўйича камидаги **2-3 хил** тавсия ишлаб чиқади;

томорқа эгалари ва ижара асосида ер майдонлари олган аҳоли билан учрашади ва аҳолига юқори даромадли экинлар экиш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни, кооперативларга аъзо бўлиб ишлаш имкониятлари, уруғлик ва кўчатлар ҳамда минерал ўғитлар билан таъминлаш (етакчи тадбиркор орқали, банк кредити ёки ўз маблағи ҳисобидан сотиб олиш) ва етиштирилган маҳсулотларни сотиш шартларини тушунтиради;

мини трактор ва мотокультиватор олган аҳолини аниқлаб, улардан кичик гуруҳлар шакллантиради ва хонадонлар талабига кўра, томорқаларни экинга тайёрлайди;

томорқа эгалари ва дехқон хўжаликлари билан учрашув якунларига кўра, экиладиган экин турлари бўйича таклифларни тасдиқлаш учун маҳалла фуқаролар йиғини кенгашига киритади. Бунда қуйидаги мажбуриятларни назарда тутади:

аҳоли томорқаларига ва ижарага олинган ер участкаларига экиладиган экин турлари (баҳорги, такрорий, тўқсонбости);

томорқа эгалари ва ижаравчилар томонидан экин экиш ишлари ва бошқа агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш.

6. Туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринbosарлари бошчилигидаги ишчи гуруҳлар:

аҳоли томорқаларига ва ижарага олинган ер майдонларида экиш ишларини ташкил этиш борасида “маҳалла еттилиги” ва “маҳалла банкирлари” фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ишчи гуруҳ таркиби камидаги **2 нафар** етакчи тадбиркорни жалб қиласади;

маҳаллаларга борган ҳолда “маҳалла еттилиги”, “маҳалла банкирлари”, уста дехқонлар, нуронийлар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда аҳоли томорқаси ва ижарага олинган ермайдонларидан самарали фойдаланишни ҳамда юқори даромадли экинлар экиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширади;

маҳаллаларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турига ихтисослаштириш ҳисобидан юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотларни етиштириш ишларини ташкил этади;

ҳар бир маҳаллага етакчи тадбиркорлар, уста-дехқонлар ва агрономлар бириктирилишини таъминлайди;

маҳаллага бириктирилган етакчи тадбиркорлар томонидан томорқа эгалари ва ижара асосида ер участкаларини олган аҳолига уруғ ва кўчат, минерал ўғит, кимёвий воситалар етказиб бериш ишларини ташкил этади;

аҳолини томорқа ва ижара ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича ўқитади.

#### 7. Туман (шаҳар) штаблари:

аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларида бажариладиган ишларни мувофиқлаштириб боради;

аҳоли томонидан ижарага олинган ер майдонларида “**бир контур – бир маҳсулот**” тамоили асосида ташкил этиладиган енгил конструкцияли иссиқхона, интенсив боғ, токзор, анорзор, гулчилик ва кўчатчилик плантациялари ҳамда резавор мевалар етиштириш лойиҳаларини кўриб чиқиб тасдиқлайди;

маҳалла фуқаролар йигини кенгаши қарори асосида аҳоли томорқалари ва ижарага олинган ер майдонларида экиладиган экинлар жойлашувини ишлаб чиқиб, ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритади.

#### 8. Ҳудудий штаблар:

аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларида экинлар экиш ва юқори даромадли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича туман (шаҳар) штаблари ва туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринbosарлари бошчилигидаги ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларида етакчи тадбиркорлар ёрдамида юқори даромадли, сифатли уруғ ва кўчатларни тизимли етказиб бериш, экин экиш ва ҳар бир томорқадан самарали фойдаланиш ишларини ташкил этади;

сув таъминоти оғир бўлган маҳаллаларда суғориш тармоқларини яхшилаш орқали маҳаллалар ихтисослашуви даражасини чуқурлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман (шаҳар) ташкилотларидан оғир маҳаллаларга бириктирилган раҳбарлар ва уларнинг ўринbosарлари тегишли маҳаллага чиқсан ҳолда, белгиланган вазифаларни бажаришда келиб чиқадиган муаммоларни тезкор бартараф этиш чораларини кўриб боради.

#### 9. Республика штаби:

тизимли равишда жойларга чиқсан ҳолда ҳудудий ва туман (шаҳар) штаблари фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш режа-графигини ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

республика даражасида юзага келадиган муаммоларни мухокама қилади ва уларни ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

аҳоли томорқалари ва ижарага олинган ер майдонларидан—самарали фойдаланишни етарлича ташкил этмаган масъулларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўриб боради;

**3-боб. Самарасиз фойдаланилаётган аҳоли томорқалари  
ва ижарага олинган ер майдонларида экиш ишларини  
ташкил қилиш тартиби**

10. Аввалги йилларда кам даромадли экин экилган аҳоли томорқалари ва ижарага олинган ер майдонларида экиш ишлари қуйидаги тартибда ташкил этилади:

кооперация асосида экиш ишлари учун уруғлик, кўчатлар, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар шартнома асосида етиштирилган маҳсулотни сотиб олишда ҳисоб-китоб қилиш шарти билан етакчи тадбиркор томонидан етказиб берилади;

контурга тажрибали уста-дехқонлар бириткирилади ҳамда уларга юқори даромадли экин етиштириш тажрибасини ўргатганлиги учун грантлар ажратилади.

11. Ижара ер майдонларида дехқон хўжалиги томонидан экиш ишлари амалга оширилмаганда (форс-мажор ҳолатлари бундан мустасно) туман (шаҳар) штаблари томонидан ер майдонини иккиламчи ижарага бериш чоралари кўрилади. Бунда тижорат банклари, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари томонидан:

**камида 40 гектар ер участкасида “бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича намунавий лойиҳалар амалга оширилади;**

қолган контурлардаги ижарага олинган ер участкаларида маҳсулот етиштиришни ташкил этиш учун ишчи гуруҳларга етакчи тадбиркорларни жалб қилган ҳолда лойиҳалар амалга оширишда кўмаклашилади.

12. “Маҳалла еттилиги” хulosасига асосан аҳоли томорқалари ва ижарага олинган ер майдонларига экин экмаган ёки самарасиз фойдаланаётган шахсларга нисбатан қуйидаги таъсирчан чоралар кўрилади:

томорқа ер эгалари ва дехқон хўжаликларида давлат дастурлари доирасидаги имтиёзли кредитлар берилмайди;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқаролар учун назарда тутилган имтиёзлар тўхтатилади;

“Online mahalla” электрон платформаси маълумотлари асосида экин экилмаганлиги аниқланган йил учун ер солиги ставкаси уч карра микдорида ҳисобланади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

13. Аҳоли томорқалари ва ижара хуқуқи асосида ажратилган ер майдонларида экин экилиши устидан назорат:

маҳалла даражасида – “маҳалла еттилиги” ва “маҳалла банкири”;

туман даражасида – туман (шаҳар) штаблари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишшлилиги бўйича ўринbosарлари бошчилигидаги ишчи гурухлар;

худуд даражасида – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosарлари – Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири, вилоятлар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари бошликлари бошчилигидаги ишчи гурухлар томонидан амалга оширилади.

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган  
ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил  
этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Туман (шахар) ҳокимининг молия – иқтисодиёт ва камбағалликни  
қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – иқтисодиёт  
ва молия бўлими бошлиғи бошчилик қиласидаги аҳоли томорқалари  
ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали  
фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишчи гурӯхнинг  
**НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ****

1. *Лавозимига кўра* – туман (шахар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи, *ишчи гурӯх раҳбари*
2. *Лавозимига кўра* – туман (шахар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи, *ишчи гурӯх раҳбари ўринбосари*
3. *Лавозимига кўра* – тижорат банки туман (шахар) филиали бошқарувчиси
4. *Лавозимига кўра* – туман (шахар) “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси масъул ходими
5. *Лавозимига кўра* – Давлат кадастрлар палатаси туман (шахар) филиали масъул ходими
6. *Лавозимига кўра* – туман (шахар) иқтисодиёт ва молия бўлими масъул ходими
7. *Лавозимига кўра* – туман (шахар) қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими

*Изоҳ. Ишчи гурӯх таркибига туман (шахар) ҳокимлари томонидан ўзгартириши  
киритилиши мумкин.*

Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган  
ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил  
этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари  
бўйича ўринбосари – қишлоқ хўжалиги бўлими бошлифи бошчилик  
қиласиган аҳоли томорқалари ва ижара асосида  
ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни  
ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳнинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – қишлоқ хўжалиги бўлими бошлифи, ишчи гуруҳ раҳбари
2. *Лавозимига кўра* – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлими бошлифи, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3. *Лавозимига кўра* – тижорат банки туман (шаҳар) филиали бошқарувчиси
4. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими бўлими бошлифи ўринбосари
5. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси масъул ходими
6. *Лавозимига кўра* – Давлат кадастрлар палатаси туман (шаҳар) филиали масъул ходими
7. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими масъул ходими

*Изоҳ. Ишчи гуруҳ таркибига туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ўзгартириши  
киритилиши мумкин.*

Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган  
ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил  
этиш тартиби түғрисидаги низомга  
3-илова

**Туман (шаҳар) ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар  
ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари бошчилик қиласидаган  
аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан  
самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳнинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаlamзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
2. *Лавозимига кўра* – тижорат банки туман (шаҳар) филиали бошқарувчиси, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) камбаалликни қисқартириш ва бандлик бўлими масъул ходими
4. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси масъул ходими
5. *Лавозимига кўра* – Давлат кадастрлар палатаси туман (шаҳар) филиали масъул ходими
6. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими масъул ходими
7. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими

**Изоҳ. Ишчи гуруҳ таркибига туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ўзгартириши  
киритилиши мумкин.**

Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган  
ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш  
тартиби түғрисидаги вақтингча низомга  
4-илова

**Туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш  
ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари бошчилик қиласиган  
аҳоли томорқалари ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан  
самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишчи гурӯхнинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, *ишчи гурӯх раҳбари*
2. *Лавозимига кўра* – Давлат кадастрлар палатаси туман (шаҳар) филиали раҳбари, *ишчи гурӯх раҳбари ўринбосари*
3. *Лавозимига кўра* – тижорат банки туман (шаҳар) филиали бошқарувчиси
4. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муссасаси масъул ходими
5. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими масъул ходими
6. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими масъул ходими
7. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими

**Изоҳ. Ишчи гурӯх таркибига туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ўзгартириши  
киритилиши мумкин.**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “28” мартдаги 191-сон қарорига  
2-илова

**Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган  
еर участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этишини  
мувофиқлаштириш бўйича республика штаби  
ТАРКИБИ**

1. Б. Захидов – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, *Республика штаби раҳбари ўринбосари*
2. И. Адхамов – Бош прокурор ўринбосари, *Республика штаби раҳбари ўринбосари*
3. С. Нишанбаев – ички ишлар вазири ўринбосари, *Республика штаби раҳбари ўринбосари*
4. М. Мирзаев – Солик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, *Республика штаби раҳбари ўринбосари*
5. К. Куранбаев – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси
6. И. Норкулов – иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
7. М. Жураев – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари
8. Қ. Юлдашев – қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари
9. Р. Қаршиев – сув хўжалиги вазири ўринбосари
10. Н. Сайдуллаев – Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари
11. Н. Абдуллаев – Агросаноатни ривожлантириш агентлиги директори
12. Б. Хамраев – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директорининг биринчи ўринбосари
13. *Лавозимига кўра* – Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиги ўринбосари
14. М. Мирмақсудов – Кадастр агентлиги директори ўринбосари
15. Н. Сулаймонов – Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи, *штаб котиби*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 28 ” мартағи 191-сон қарорига  
3-илова

**Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан  
самарали фойдаланишни ташкил этишни мувофиқлаштириш  
бўйича ҳудудий штабнинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари – Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири, вилоятлар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари бошлиқлари, штаб раҳбари
2. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари – Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиқлари
3. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиқ, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосарлари
4. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари
5. *Лавозимига кўра* – Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари бошлиқлари
6. *Лавозимига кўра* – Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари
7. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори ҳамда вилоятлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари бошлиқлари
8. *Лавозимига кўра* – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари бошлиқлари
9. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агросаноатни ривожлантириш бошқармалари бошлиқлари
10. *Лавозимига кўра* – Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари бошлиқлари

11. *Лавозимига күра* – Қарақалпогистон Республикаси камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазири, вилоятлар камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик бошқармалари бошлиги, штаб комиби

**Изоҳ.** Штаб таркибига Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси  
ва вилоятлар ҳокимлари томонидан ўзгартириши киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 28 ” мартдаги 191-сон қарорига  
4-илова

**Аҳоли томорқаси ва ижара асосида ажратилган ер  
майдонларидан самарали фойдаланиши ташкил этишни  
мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) штабнинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) ҳокими, *ишибари*
2. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – иктисодиёт ва молия бўлими бошлиғи
3. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари
5. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
6. *Лавозимига кўра* – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлинмаси бошлиғи
7. *Лавозимига кўра* – Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлим бошлиғи
8. *Лавозимига кўра* – тижорат банки туман (шаҳар) филиаллари бошқарувчилари
9. *Лавозимига кўра* – Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) бўлинмаси бошлиғи
10. *Лавозимига кўра* – Давлат кадастрлар палатаси туман (шаҳар) филиали бошлиғи
11. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи, *ишиботиби*

**Изоҳ. Штаб таркибига туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ўзгартириши  
киритилиши мумкин.**

